

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 8 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 8 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Воҳидова Комила Абдуллозизовна*  
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА ..... 11-17
- Сулайманов Саламат Арепбаевич*  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО  
ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) ..... 18-24
- Раунов Холмамат*  
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ ..... 25-32
- Мажидов Анвар Сиражович*  
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА) ..... 33-40
- Begatova Nasiba Xolmurzayevna*  
FERMER XO‘JALIKLARI VA KLASSTER TIZIMI UCHUN O‘RTA MA‘LUMOTLI MUTAXASSISLARNI  
TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI  
MISOLIDA) ..... 41-48
- Алланазаров Мурот Мирзаевич*  
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР  
ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ..... 49-54
- Ismoilova Feruza Ibragimovna*  
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI  
XIZMATLARI ..... 55-59
- Tursunov Xurshid Nasriddinovich*  
O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI  
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI ..... 60-64

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*  
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF  
ENTERPRISES ..... 65-70
- Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*  
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS ..... 71-75
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 76-84

<i>To'lov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i> KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR .....	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i> MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI .....	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI .....	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i> МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ .....	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i> AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI .....	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ .....	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i> O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI .....	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i> МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович</i> ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ .....	138-150
<i>Мамадиёров Олимжон Умарович</i> ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	151-158
<i>Раббимов Жахонгир Эшбоевич</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ .....	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	165-174

*Гадоев Сўҳроб Жумакулович*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 175-181

*Бекжанов Дилмурод Йўлдашович*  
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН  
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ..... 182-193

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Boydadayev Abdurroхмон Tolibjon o'g'li*  
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY  
TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) ..... 194-200

*Xayridinov Abbosxon Anvarovich*  
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA  
MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 201-205

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*  
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI ..... 206-211

*Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich*  
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR  
MAQSADI..... 212-217

*Turabova Sevara Kattaqulovna*  
ILMIY VAHS FENOMENINING MANTIQUIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA  
KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV ..... 218-224

*Пардаева Марҳабо Давлатовна*  
АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ  
ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ ..... 225-233

*Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich*  
NIKON MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI ..... 234-240

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*  
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR ..... 241-246

*Юсупова Феруза Зойировна*  
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНING МЕЗОНИ ..... 247-251

*Teshaboev Muhiddin Marifovich*  
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI ..... 252-257

## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Soatova Nodira Isomitdinovna*

LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI ..... 258-265

*Narmuratov Zayniddin Radjabovich*

FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA ..... 266-269

*Yusupova Omina Muhammadzoir kizi*

DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE ..... 270-276

*Бозорова Хулкар Одинакуловна*

РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ ..... 277-282

*Matyakubov Oybek Quralbayevich*

KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI ..... 283-288

*Фатуллаева Камола Рахматуллаевна*

ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ..... 289-293

*Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna*

O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI ..... 294-299

*Xamzayev Otaxon Erkinovich*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA TAHLILI ..... 300-305

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Абдурахманова Нодирахон*

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ ..... 306-310

*Сафоева Садокат Мусоевна*

ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА ..... 311-320

*Абдуллаева Маликабону Эркин қизи*

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ..... 321-330

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Zoirova Lola Xamidovna*

TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI" MAVZUSINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN

FOYDALANISH .....	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) .....	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i> YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .....	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS .....	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджонова</i> ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i> INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	362-368
<i>Raxmatova Mexrinov Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i> ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ .....	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i> KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR .....	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i> EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING .....	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQUIY TAHLILI .....	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i> MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR .....	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i> XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .....	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i> METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS .....	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i> SPORT TO‘GARAHLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI .....	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i> DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD .....	434-441
<i>G‘ofurov Azizbek Umarjonovich</i> BO‘LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH .....	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i> BO‘LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i> INGLIZ TILINI O‘RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA‘LIM YO‘NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR .....	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatpochsho Abduxayotovna</i> PROFESSIONAL TA‘LIM YO‘NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O‘QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH .....	461-469

08.00.00 –Иқтисодиёт фанлари

**Бекжанов Дилмурад Йўлдашович**  
Урганч давлат университети доценти, PhD

**ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН  
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

**Аннотация.** Мақолада туристик дестинацион менежмент қатнашчиларининг фаолияти эмпирик тадқиқот натижалари асосида баҳоланган. Хива туристик дестинациясини самарали бошқариш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** менежмент, туристик дестинация, дестинацион менежмент, туристик корхона, сайёҳлар, статистик кўрсаткичлар

**Bekjanov Dilmurad Yuldashovich**  
Urgench State University, Associate Professor, PhD

**ASSESSMENT OF THE ACTIVITIES OF THE PARTICIPANTS IN THE PROCESS OF THE  
TOURIST DESTINATION MANAGEMENT BASED ON THE RESULTS OF EMPIRICAL  
STUDIES**

**Abstract.** The article evaluates the activities of participants in the management of a tourist destination based on the results of an empirical study. A scientific proposal and practical recommendations for the effective management of the Khiva tourist destination are given.

**Key words:** management, tourist destination, destination management, tourist enterprise, tourists, statistical indicators.

**Бекжанов Дилмурад Юлдашович**  
Ургенчский государственный университет, доцент, PhD

**ОЦЕНКА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАСТНИКОВ ПРОЦЕССА УПРАВЛЕНИЯ ТУРИСТСКОЙ  
ДЕСТИНАЦИИ ПО РЕЗУЛЬТАТАМ ЭМПИРИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ**

**Аннотация.** В статье оценивается деятельность участников управления туристской дестинацией на основе результатов эмпирического исследования. Даны научное предложение и практические рекомендации по эффективному управлению туристической дестинацией Хивы.

**Ключевые слова:** менеджмент, туристская дестинация, дестинационный менеджмент, туристское предприятие, туристы, статистические показатели.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N25>

**Кириш.** Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 35-мақсадида “мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқлари сифатида туризмни жадал ривожлантириш асосий мақсад сифатида белгиланган” [1]. Шу боис мамлакатимиз туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудларда ривожланган мамлакатларда самара бераётган, халқаро талабларга мос келадиган туристик дестинацияларни ташкил қилиш ва бошқариш, инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинацион менежментни қўллаш, туристик инфратузилмаларни ривожлантириш, туризм соҳасини рақамли трансформациялаш ва соҳани стратегик секторга айлантиришни жадаллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалар қаторига киради.

Мамлакатимизга 2022 йилда ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 барабар ошган ва туристик хизматлар экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Бугунги кунгача ушбу соҳани жадал ривожлантириш мақсадида 90 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингандир [2]. Қабул қилинган ҳужжатларнинг 30% дан ортиғи туризм соҳасидаги бошқарувга қаратилган. Соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, мамлакатда жойлашган туристик объектлардан самарали фойдаланиш ва туристик ҳудудларнинг рақобатбардошлигини ошириш долзарб масалага айланган.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Туристик дестинацион менежментда дестинация рақобатбардошлиги микродаражада, туристик хизмат етказиб берувчи корхона ва туристик ташкилотларнинг фаолиятини ёки макродаражада, бирор жуғрофий жой ёки ҳудуднинг рақобатбардошлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали баҳоланади.

Туристик дестинациялар рақобатбардошлиги макродаражада ўрганилганда турли хил кўрсаткичлар таҳлил қилинади. М.Козак ва М.Риммингтонлар томонидан табиий ва сунъий аттрационлар, туристик, нотуристик ва очиқ турдаги инфратузилмалар, шунингдек, жуғрофий жойнинг туристик нуқтаи назардан харажатлар таркиби каби асосий кўрсаткичлар сифатида қаралган [3]. Бундан ташқари туристик дестинация рақобатбардошлигини ўрганишда ҳудудда туризм тармоғини асосий муҳим тармоқ сифатида белгиланишига қараб, ҳудуднинг табиати энг муҳим омил сифатида қараш мумкин.

Туризм тармоғини ҳудудни ривожлантиришдаги ўрини кам хомашё ва материалларни импорт қилиш, қисқа вақтда кутилган сотиш каналини яратиш, ҳудудда динамик тарзда ривожланувчи тармоқни яратилганлиги кабилар билан баҳоланади [4]. Туристик дестинация рақобатбардошлигини оширишдаги асосий омиллар сифатида нафақат табиий ресурслар, балки туристик бозорда сотиш каналларини кучайтириш ҳам қаралади. Т. Биегер ва П.Берителлилар туризм соҳасининг рақобатбардошлигини М.Портер томонидан 1980 йилларда яратилган тармоқни 5 та рақобатлашувчи куч нуқтаи назаридан ёритишган [5]. Портер моделидаги асосий рақобатчилар туризм тармоғидаги рақобатлашувчи субъектлар; мол етказиб берувчилар, туристик хизмат етказиб берувчи ҳамкорлар; харидорлар, сайёҳлар сифатида ва ўринбосар товарлар туризм тармоғига тегишли бўлмаган товарлар сифатида таснифланган [6].

Бошқа кўп ўлчамли иқтисодий қарашларда туристик дестинациядаги рақобатбардошликни ёритишда М.Портернинг “Олмос модели” асос сифатида

олинган[7]. Э. Смерал томонидан 1998 йилда яратилган биринчи туристик рақобатлашиш модели Портер моделига жуда ўхшаш бўлган, у 2007 йилга келиб, Портернинг “Олмос модели”ни асос қилиб олган ҳолда, туризмга хос кўплаган хусусият ва дестинация тизимига мос чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, янги туристик дестинация рақобатбарошлиги моделини яратган[8]. 1999 йилдан буён, бу модел асосида кўплаган илмий-тадқиқотлар турли хил вариантлар асосида ўрганилган ва туристик дестинация рақобатбардошлигига таъсир кўрсатадиган ҳар бир иқтисодий омил ўлчами белгиланган.


Л.Двер ва С. Кимлар томонидан яратилган моделда туристик дестинация рақобатбардошлигини микро-ва макродаражада ўрганилган [9]. Бу моделни яратитилишида туризм соҳаси ва туристик маҳсулотнинг ўзига ҳос жиҳатларидан фойдаланилган. Бунда туристнинг туристик маҳсулот ҳақидаги фикрларини шаклланишига ҳар бир хизмат етказиб берувчи алоҳида таъсир қилиши белгиланган. Ушбу моделни Ж.Р.Риччи ва Г.И.Крауч моделидан асосий фарқи туристик дестинацияга нисбий рақобатда устунлик келтирувчи иқлим ва ландшафтни, дестинацияга мутлоқ рақобат устунлигини берувчи харажат ва дифференциациядан кам аҳамият касб этмаслиги ҳисобланади[10].

Табий ресурслар асосан сайёҳларнинг саёҳат қилишлари учун зарур мотивация уйғотувчи бирламчи омил сифатида қаралса, бошқа омиллар ва дестинация менежменти бўлса, туристик дестинация рақобатбардошлигига иккиламчи таъсир қилувчи омил сифатида қаралади.

Биз Л.Двер ва С. Кимлар назарий моделини такомиллаштирган ҳолда Хива ақлли туристик дестинациясини ташкил қилиш омилларини илмий асослаш, хусусан, туризм соҳасини рақамли трансформациялаш ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги туристик дестинация рақобатбардошлигига бевосита таъсир қилишини ёритдик (1-расм).

Аҳоли яшаш шароитларидаги ижобий ўзгаришлар нафақат туристик дестинация рақобатбардошлигини оширувчи восита сифатида, балки дестинацияни ривожлантиришнинг асосий мақсади сифатида қаралиши лозим.

Туристик дестинация рақобатбардош бўлиши учун туристик бозордаги туристик таклиф қилувчилар маҳсулот ва хизматлари сайёҳлар томонидан жозибадорлиги тан олиниши лозим [11]. Бу бевосита дестинация қиёфаси ёки кўпинча туристик дестинациянинг имиджини ифодалайди ва шу орқали сайёҳлар туристик дестинацияга бўлган ўзларининг муносабатларини акс эттирадilar. Ҳозиргача қуйидаги муҳим омиллар туристик дестинацияни ривожланишига таъсир қилиши ўрганилган: саёҳат қилиш имкониятлари, инфратузилма, ҳудуд тозаллиги, овқатланиш муассасалари, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик аттракционлар, табиий иқлим шароити, маданият, тарих, локал доирадаги жамият фаоллиги, таклиф қилинган товар ва хизматлар сифати. Бундай моделларни яратишда кўпинча жуда кам сонли ўзгарувчилар “дестинация имиджи” омили билан боғланади. Ҳозирги кунга қадар ижобий дестинация имиджи ва жозибадорлигини ифодаловчи, шунингдек, унинг иқтисодий самарадорликка эришишини таъминловчи ҳар бир омилнинг ўзаро боғланиши тўлиқ ўрганилмаган. Бу омилларнинг ҳолати ва бу жараённинг моҳияти ҳақида маълумотлар етишмайди.



**1-расм. Туристтик дестинациянинг рақобатбардошлигини оширишнинг такомиллаштирилган модели**

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, анкета-сўровнома ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Тадқиқот ишида рақобатбардошликни ифодаловчи асосий омиллар сифатида табиий, яратилган ва қўллаб қувватловчи ресурслар (сайёҳларда мотивацияни шакллантириш, қўллаб қувватланаётган ресурслар ва ташқи муҳит), дестинациянинг жозибadorлигини ифодаловчи омиллар киритилган.

Туристтик хизмат кўрсатувчи корхоналар ва сайёҳларнинг бу жараёндаги қарашлари турли хил ҳисобланади. Шунинг учун сайёҳларнинг юқорида келтириб ўтилган омилларга нисбатан фикр ва муносабатлари ҳам сўровнома асосида ўрганилади. Бу иккала жараённи бирлаштирган ҳолда ўрганиш натижасида туристик корхоналарнинг рақобатбардошлик учун муҳим деб саналган омиллари ва ҳақиқатда сайёҳларга кўрсатилган хизматлар истеъмолчи нуқтаи назаридан баҳоланиши амалга оширилади. Тадқиқот жарёнида қуйидаги саволларга эътибор қартилган:

- Такомиллаштирилган туристик дестинация рақобатбардошлиги ошириш моделини Хива туристик дестинацион менежментда қўллаш имкониятлари қай даражада?
- Қайси омиллар туристик корхоналар нуқтаи назаридан Хива туристик дестинацияси рақобатбардошлигига энг муҳим омиллар сифатида қаралади?
- Хива туристик дестинациясида туристик хизматлар жозибadorлиги сайёҳлар томонидан қай даражада баҳоланади?

– Туристтик дестинацион менежментда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган асосий омилларнинг туристик инфратузилма корхоналари ва сайёҳлар томонидан баҳоланиши қай даражада ҳисобланади?

– Дестинацион менежмент қатнашчилари бўлган туристик инфратузилма корхоналари ва сайёҳлар эҳтиёжларини қондиришларига дестинация рақобатбардошлиги ва жозибadorлигини ифодаловчи қайси омиллари таъсир кўрсатади?

Сўровномага кўра, туристик дестинация рақобатбардошлиги ва жозибadorлигини ифодаловчи ҳар бир кўрсаткич муҳимлик даражасига кўра, 5 даражали Ликерт шкаласида (1="ёмон"; 2="қониқарли"; 3="ўртача"; 4="яхши" 5="аъло") баҳоланган. Сўровнома 2022 йил март-сентябр ойлари оралиғида ўтказилган бўлиб, унда 52 та туристик корхона вакиллари ва 480 нафар сайёҳлар иштирок этган. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили IBM SPSS Statistics 22 дастури орқали амалга оширилган. Сўровномада қуйидаги туристик корхоналар қатнашган (1-жадвал).

1-жадвал

**Сўровномада иштирок этган туристик инфратузилма корхоналари<sup>1</sup>**

Фаолият йўналишлари	Сони
Меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари	18
Туроператорлар	2
Транспорт корхоналари	4
Ресторан ва бошқа овқатланиш муассасалари	12
"Ичан қалъа" давлат музей кўриқхонаси ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар	10
Хунармандлар	6

Сўровномада иштирок этган туристик инфратузилма корхоналари асосан Хива шаҳрида фаолият кўрсатади, чунки туристик дестинацияга ташриф буюрган сайёҳлар асосан Хива шаҳридаги тарихий-маданий ёдгорликларни кўришга келишади.

Сайёҳлар фикрини ўрганиш бўйича анкета-сўровнома ҳам Хива шаҳрида ўтказилган бўлиб, унда жами 480 нафар респондент қатнашган. Уларнинг сони, ўртача ёши, сафар давомийлиги ва турпакет нархидан ташқари сарфланган бир кунлик ўртача маблағ ёритилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Сўровномада иштирок этган сайёҳлар тўғрисида маълумот<sup>2</sup>**

Худуд	Респондентлар сони	Ўртача ёши	Сафар давомийлиги	Турпакет нархидан ташқари 1 кунга сарфлаган ўртача маблағ, сўм
Узоқ хорижий давлатлар	313	54	2,2	283 000
МДХ давлатлари	31	49	2,1	245 000
Ўзбекистон	136	50	2,3	158 000

Жадвалга кўра, узоқ хорижий давлатлардан келган сайёҳлар жами 312 нафарни ташкил қилади, ўртача 54 ёш, туристик дестинацияда 2,2 кун сафар қилган ва 1 кунга

<sup>1</sup> Манба: муаллиф ишланмаси

<sup>2</sup> Манба: муаллиф ишланмаси

сарфлаган маблағи ўртача 283 000 сўмга тўғри келади. МДХ мамлакатларидан келган сайёҳлар сони 31 нафарни ташкил қилиб, уларнинг ўртача ўши 49 ёш, дестинацияда 2,1 кун сафар қилишган ва 1 кунлик сарфлаган пул маблағлари 245 000 сўмга тенг. Ўзбекистондан ташриф буюрган маҳаллий сайёҳлар 136 нафар, ўртача 50 ёш, сафар давомийлиги 2,3 кун ва 1 кунлик сарфлаган пул маблағи 158 000 сўмга тенг.

Сўровномада қатнашган сайёҳларнинг жинси бўйича умумий 480 нафар респондентдан 260 нафари ёки 54,1 % эркак ва 220 нафари ёки 45,9 % аёл кишига тўғри келган. Бу маълумотлар қуйидагича гуруҳларга ажратилган ҳолда кенгроқ таснифланган :

- узоқ хорижий мамлакатлар: 58 % эркак, 42 % аёллар
- МДХ мамлакатлари 48,4 % эркак, 51,6 % аёллар
- Ўзбекистон: 47,7 % эркак, 52,3 % аёллар



**2-расм. Сўровномада қатнашган респондентларнинг саёҳат қилишдан асосий мақсадлари, фоизда<sup>1</sup>**

Сўровномада иштирок этган хорижий сайёҳлар асосан саёҳат қилиш ва дам олиш мақсадида, маҳаллий сайёҳлар эса зиёрат қилиш учун ташриф буюрганликларини таъкидлашган. Бу сўровнома муҳимлик даражасидан келиб чиққан ҳолда икки қисмдан ажратилган бўлиб, туристик корхоналар ва туристик дестинацияга ташриф буюрган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар бири биридан алоҳида ажралган ҳолда сўровнома тадқиқотида қатнашишган. Туристик корхона вакиллари томонидан туристик дестинация рақобатбардошлигини ифодаловчи омилларнинг статистик таҳлили ёритилган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Туристик инфратузилма корхоналари сўровнома натижаларининг статистик таҳлили<sup>2</sup>**

№	Ўзгарувчилар	Ўртача	Ўртача квадратик четланиш	Минимум	Максимум	Вариацион кенглик
1	Тарихий маданий туризм	4,70	0,46	4,00	5,00	1,0
2	Жуғрофий жойлашув ва табиат	4,35	0,59	3,00	5,00	2,0
3	Хавфсизлик	4,76	0,47	3,00	5,00	2,0
4	Атроф-муҳит тозаллиги	4,02	0,62	3,00	5,00	2,0

<sup>1</sup> Манба: муаллиф тадқиқоти асосида тузилган

<sup>2</sup> Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.

5	Хизмат сифатидан қониқиш	4,12	0,62	3,00	5,00	2,0
6	Иқлим	3,86	0,60	3,00	5,00	2,0
7	Электр энергия ва газ таъминоти	3,88	0,79	2,00	5,00	3,0
8	Ичимлик суви сифати	3,90	0,46	3,00	5,00	2,0
9	Ахборот-коммуникация тизимининг аҳволи	2,86	0,45	2,00	4,00	2,0
10	Санитария-гигиена шаҳобчаларнинг аҳволи	3,20	0,57	2,00	4,00	2,0
11	Миллий таъомлар сифати ва хилма хиллиги	4,53	0,50	4,00	5,00	1,0
12	Меҳмонхоналар сони ва хизмат сифати	3,66	0,52	3,00	5,00	2,0
13	Маҳаллий аҳоли туризм бўйича саводхонлиги	2,82	0,55	2,00	4,00	2,0
14	Реклама ва маркетинг	3,74	0,56	3,00	5,00	2,0
15	Туристик инфратузилма аҳволи	3,45	0,50	3,00	4,00	1,0
16	Дестинацияга тўсиқларсиз кириш	4,21	0,41	4,00	5,00	1,0
17	Инновацион технологияларни жорий қилинганлиги	2,92	0,52	2,00	4,00	2,0
18	Савдо қилиш имконияти	3,1	0,751	2,00	5,00	3,0
19	Турмахсулот нарх-сифат муносабатлари	3,94	0,73	3,00	5,00	2,0
20	Хизмат кўрсатувчи персонал билим ва малакаси	3,41	0,75	2,00	5,00	3,0

Туристик инфратузилма корхоналари томонидан Хива туристик дестинациясининг рақобатбардошлиги учун энг муҳим бўлган омиллар сифатида хавфсизлик, тарихий-маданий ресурслар, миллий таъомлар сифати ва хилма хиллиги, дестинацияга тўсиқларсиз кириш, атроф-муҳит тозаллиги ва туристик маҳсулотнинг нарх-сифат муносабатлари келтириб ўтилган. Юқоридаги жадвалдаги маълумотлардана Хива туристик дестинацияси рақобатбардошлигини аниқлашда фойдаланамиз (3-расм).



### 3-расм. Туристтик инфратузилма корхоналари томонидан Хива туристик дестинацияси рақобатбардошлигини ифодаловчи асосий 20 та омилнинг баҳолаши<sup>1</sup>

Туристтик дестинация рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини сайёҳлар нуқтаи назарида ўрганишда туристик дестинацияга саёҳат қилишга ундовчи омилларни аниқлаш, сайёҳларнинг саёҳат мотивининг ўзгаришига сабаб бўлган омилларга эътибор қаратилган. Сайёҳлар фикр мулоҳазаларини ўрганиш орқали келажакда туристик дестинацияга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини ошириш ва уларга саёҳат вақтида зарур шарт шароитларни яратиб беришда амалий тавсиялар бериш имконияти пайдо бўлади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Сайёҳлардан ўтказилган сўровнома натижалари статистик таҳлили<sup>2</sup>

№	Ўзгарувчилар	Ўртача	Ўртача квадратик четланиш	Минимум	Максимум	Вариацион кенглик
1	Тарихий маданий туризм	4,66	0,49	3,00	5,00	2,0
2	Жуғрофий жойлашув ва табиат	4,25	0,66	2,00	5,00	3,0
3	Хавфсизлик	4,60	0,53	3,00	5,00	2,0
4	Атроф-муҳит тозаллиги	4,28	0,60	3,00	5,00	2,0
5	Хизмат сифатидан қониқиш	4,08	0,64	2,00	5,00	3,0
6	Иқлим	4,11	0,57	3,00	5,00	2,0
7	Электр энергия ва газ таъминоти	4,12	0,63	2,00	5,00	3,0
8	Ичимлик суви сифати	3,90	0,47	3,00	5,00	2,0
9	Ахборот-коммуникация тизимининг аҳволи	2,93	0,56	2,00	5,00	3,0
10	Санитария-гигиена шаҳобчаларнинг аҳволи	3,34	0,61	2,00	4,00	2,0

<sup>1</sup> Манба: муаллиф тадқиқоти асосида тузилган

<sup>2</sup> Манба: муаллиф тадқиқоти асосида ҳисобланган

11	Миллий таъомлар сифати ва хилма хиллиги	4,46	0,54	3,00	5,00	2,0
12	Меҳмонхоналар сони ва хизмат сифати	3,69	0,56	3,00	5,00	2,0
13	Маҳаллий аҳоли туризм бўйича саводхонлиги	2,92	0,63	2,00	5,00	3,0
14	Реклама ва маркетинг	3,88	0,57	3,00	5,00	2,0
15	Туристтик инфратузилма аҳволи	3,51	0,59	2,00	5,00	3,0
16	Дестинацияга тўсиқларсиз кириш	4,55	0,50	3,00	5,00	2,0
17	Инновацион технологияларни жорий қилинганлиги	2,97	0,60	2,00	5,00	3,0
18	Савдо қилиш имконияти	3,22	0,70	2,00	5,00	3,0
19	Турмахсулот нарх-сифат муносабатлари	3,35	0,56	2,00	5,00	3,0
20	Хизмат кўрсатувчи персонал билим ва малакаси	2,99	0,65	2,00	5,00	3,0

Туристтик дестинация рақобатбардошлигини оширишда туристик корхоналар фақат ўзлари учун муҳим бўлган кўрсаткичларни ўрганишлари талаб этилади, балки дестинациядаги вазиятни баҳолаш, туристик маҳсулотнинг хилма хиллигини таъминлаш бўйича талаб қилувчилар нуқтаи назаридан туристик маҳсулот истеъмолчилари бўлган, сайёҳларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларга келиш зарур ҳисобланади. Туристтик дестинация рақобатбардошлиги ва жозибдорлигини белгиловчи кўрсаткичлар сайёҳлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилган (2.2.4-расм).




4-расм. Хива туристик дестинацияси рақобатбардошлигини ифодаловчи асосий 20 та омилнинг сайёҳлар томонидан баҳоланиши<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Манба: муаллиф тадқиқоти асосида тузилган

Сайёҳлар туристик дестинациянинг тарихий-маданий ресурсларга бойлиги сабабли тарихий маданий туризмни энг муҳим кўрсаткич сифатида баҳолашган, шу билан бирга табиат билан боғлиқ туристик фаоллик, жойлардаги хавфсизлик, сайёҳларнинг кўрсатилган хизматлардан қониқишлари ва туристик дестинация иқлими рақобатбардошликка таъсир этувчи муҳим кўрсаткич сифатида белгиланган.

Тадқиқот ишида туристик дестинацион менежментда фойдаланиш учун кўпроқ сайёҳлар томонидан билдирилган фикрларни муҳимлигига эътибор қаратилди, чунки уларнинг фикри туристик корхоналарнинг келажакдаги фаолиятига ўзгартириш киритишда муҳим восита сифатида изоҳланади.

Хива туристик дестинацияси жозибадорлиги сайёҳлар нуқтаи назаридан умумий натижа бўйича олганда, туристик хизмат таклиф қилувчиларникига қараганда яхшироқ ва ижобий баҳоланган. Таклиф қилувчилар учун бўлса, туристик дестинация рақобатбардошлиги муҳимлиги умумий натижаларда ўз аксини топган (5-расм)



5-расм. Туристтик дестинацион менежментда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган асосий омилларнинг муҳимлиги бўйича туристик инфратузилма корхоналари ва сайёҳлар томонидан баҳоланиши<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Манба: муаллиф тадқиқоти асосида тузилган

Сўровномани таҳлил қилиш натижасида аниқланган энг муҳим 5 та омил: тарихий-маданий ресурслар, туристик дестинациядаги хавфсизлик, табиий ресурслар, туристик фаоллик ва инфратузилма келажақда Хива туристик дестинациясини бошқаришда, хусусан, халқаро туристик бозорларда ўз мавқеини янада яхшилаши, замонавий технологияларни жорий қилиш ва дестинациялараро рақобат курашида муваффақиятга эришиш учун асос бўлади.

Сайёҳлар туристик дестинация рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омилларни баҳолашда кўпинча мавсумийлик нуқтаи назаридан ёндашганликлари сабабли уларни дестинацияни бошқариш жараёнларида қўллаш анча мушкул ҳисобланади. Сайёҳлар саёҳат жарёнидан қониқиш ҳосил қилишлари ва уларнинг ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилишида жуда кам омиллар, тарихий-маданий ва табиий ресурслар, савдо қилиш имконияти, инфратузилма ва кўрсатилган хизматлар сифати кабилар таъсир қилади. Бу омилларни туристик маҳсулотни яратиш жарёнида ҳисобга олиш ва уларнинг сайёҳлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишга эришишимиз лозим.

**Хулоса ва таклифлар.** Умуман олганда, тадқиқот натижасига кўра, Хива туристик дестинациясини самарали бошқаришда дестинацион имиджни оширишда туристик корхона ва сайёҳлар томонидан тарихий-маданий ресурслар, туристик дестинациядаги хавфсизлик, дестинацияга тўсиқларсиз кириш, атроф-муҳит тозалиги ва миллий таомлар сифати ва хилма хиллиги каби омилларга эътибор қарартиш зарур ҳисобланади.

Бундан ташқари, туристик корхоналар томонидан келажақда самарали дестинацион менежмент тизимини жорий қилиш, ахборот коммуникация технологияларининг ривожланганлик даражаси, инновацион ва ақлли технологияларни жорий қилиниши, туристларнинг савдо қилиш имкониятларини ошириш, хизмат кўрсатувчи персоналнинг билим ва малакаси, шунингдек, маҳаллий аҳолини туризм соҳаси бўйича саводхонлигига эътибор қаратиш зарурлиги ёритилган.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. <https://president.uz/oz/lists/view/6095>
3. Kozak, M. & Rimmington, M. Measuring tourist destination competitiveness: conceptual considerations and empirical findings. *Hospitality Management*, 1999, 18, S.273-283
4. Müller, H. *Tourismuspolitik. Wege zu einer nachhaltigen Entwicklung*. Glarus/Chur: Rüegger Verlag, 2011
5. Porter, M. E.: *Wie die Wettbewerbskräfte die Strategie beeinflussen*, in: Montgomery, C. A.; Porter, M. E. (Hrsg.): *Strategie*, Wien 2001, S. 13-30
6. Porter, M.E. *On Competition*, Boston.2008. pp.12-20
7. Smeral, E. *Tourismusstrategische Ausrichtung 2015: Weichenstellung im österreichischen Tourismus für mehr Wachstum und Beschäftigung*.2007
8. Dwyer, L. & Kim, C. *Destination Competitiveness: Determinants and Indicators*. *Current Issues in Tourism*, 6, 2003. S. 396-414.
9. Ritchie J.R.B and G.I.Crouch *The Competitive Destination: A Sustainable Tourism Perspective*, CABI, Publishing, Wallingford, UK, 2003
10. Bekjanov, D., Matyusupov, B. *Influence of innovative processes in the competitiveness of*

tourist destination. Innovation and entrepreneurial opportunities in community tourism (pp. 243–263). (2020). <https://doi.org/10.4018/978-1-7998-4855-4.ch014>

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).